

Ашъарий ва Мотуридий мазҳаблари ҳақида қадимги уламоларнинг фикрлари (учинчи мақола)



15:00 / 19.08.2021 2387

Имом Ашъарий тобеларининг 3-табақасидан ҳисобланган буюк муҳаддис Ҳофиз Абу Бакр Байҳақий (ваф. 458 ҳ.) раҳматуллоҳи алайҳ айтади:

«Шайхимиз имом Абу Ҳасан Ашъарий Аллоҳнинг динида бирор янгилик пайдо қилгани йўқ, бирор бидъат тўқиб чиқаргани ҳам йўқ, балки саҳоба ва тобейлар, улардан кейинги имомларнинг дин асослари борасида айтган сўзларини тутиб, уларни қувватлаб, шарҳ ва баён қўшимча қилди. У киши салафи солиҳлар айтган гаплар, шариат келтирган асосларнинг барчаси ақлан дуруст деб, шариатнинг айрим ҳукмлари ақлга тўғри келмайди деб иддао қилган аҳли ҳавога қарши турди. У кишининг баёни аҳли сунна ва жамоанинг фикрлари далолат қилган маъноларни қувватлаш, ўтмиш буюк имомларнинг сўзларини дастаклаш бўлди. Жумладан, Куфа аҳлидан имом Абу Ҳанифа ва Суфён Саврий, Шом аҳлидан Авзойи ва бошқалар, Икки Ҳарам аҳлидан имом Шофеъий ва Имом Молик ҳамда уларга эргашган Ҳижоз ва яна бошқа ўлкалардаги имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқа аҳли ҳадислар, Лайс ибн Саъд, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Абу Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож Найсобурий ва шариатнинг мадори бўлган осор имомлари, суннат ҳофизларининг мазҳабини қувватлади. Аллоҳ уларнинг барчаларидан рози бўлсин».

Имом Абу Исҳоқ Шерозий (ваф. 476 ҳ) айтади: «Абу Ҳасан Ашъарий аҳли суннанинг имоми ва имом Шофеъий асҳобларининг оммаси мана шу кишининг мазҳабидадир. У кишининг мазҳаби аҳли ҳақнинг мазҳабидир.

Ҳадис илмининг имомларидан Ҳофиз ибн Асокир (ваф. 571х.) ўзининг «Табйинул-кизбил-муфтарий фима нусиба илал-имам Абил-Ҳасан ал-Ашъарий» номли китобида шундай дейди:

«Улар (яъни ашъарийлар) Китоб ва Суннатни маҳкам тутган, фитнага чорловчи сабаблардан узоқ бўлган, синов ва қийинчиликларда динда сабр билан собит турган, бировдан ёрдам кутишни ҳам, нафратни ҳам ташлаш билан душманларидан ғолиб бўлганлардир. Улар Қуръонни ҳамда нақлий ҳужжатларни маҳкам ушлашда бўшашмаганлар. Улар ақлий масалаларда таътилчи қадарийларнинг йўлига юрмаганлар. Балки улар диннинг асли бўлган ақийда масалаларида самъий далиллар билан ақлий ҳужжатларни бир нуқтага жамлаганлар. Улар мўътазилаларнинг ҳаддан ошишларидан, таътилчиларнинг йўлларида четланганлар, мужассима-ю мушаббиха фирқаларнинг тизгинсизликларини рад этганлар. Шунингдек, улар хаёлпараст фирқаларнинг бузуқ ақидаларини кучли ҳужжатлар билан шарманда қилганлар. Улар жаҳмийларни мазҳабини инкор қилганлар, карромий ва салломийлардан ўзларини олиб қочганлар. Улар қадарийларнинг гапларини ботиллигини айтиб, жабарийларнинг шубҳаларини яқсон қилганлар. Ҳа, уларнинг мазҳаби энг мўътадил мазҳаб бўлиб, булоқлари энг тотли, қўноқлари энг шарафли, мартабалари энг улуғ бўлгандир. Таъначиларнинг таънаси уларга таъсир қилмайди, айбловчиларнинг гапи уларга ўтмайди.

Эй воҳ! Қалбларни улардан нафратлантирадиган нарса нима бўлиши мумкин? Ёхуд аҳли бидъатларнинг катталари уларни ҳадеб айблашига нима сабаб? Ашъарийлардаги чуқур илми ёки ўткир фаҳми? Ёки тавҳиду танзиҳ (Аллоҳ таолони ёлғиз ва нуқсонлардан пок деган) эътиқодида бўлганларими? Ё тажсиму ташбеҳ сўзларидан четланганларими ёки Аллоҳнинг сифатларини исбот қилганларими? Ёхуд Робби таолони аъзою адавоатлардан пок деб айтганларими?

Барча ўлкалардаги уламолар, барча замонлардаги юрт имомлари ушбу мазҳабнинг даъватчилари бўлишган ва унга ўзларини мансуб билишган. Бу уламолар шундай зотларки, улар ҳукмларнинг асос нуқтаси бўлганлар ва ҳалолу ҳаром улар орқали билинган. Энг қийин масалаларда фатво берганлар ҳам шулар, ечилмай турган масалаларда ва бошга тушган муаммоларда одамлар мурожаат қиладиган кишилар ҳам шулар. Ҳанафий,

Моликий, Шофеъий мазҳаби фақиҳлари ичида имом Ашъарийга мувофиқ ва мансуб бўлмагани, у кишининг Аллоҳнинг динида қилган саъй-ҳаракатини маъқулламагани, унинг дин илмидаги чуқур билимини мақтамагани йўқ».

Тақийюддин Субкий (ваф. 756 ҳ.) ўзининг «Ас-Сайфус-сақил фир-родди ʔала Ибн Зафил» номли асарида шундай дейди: «Мутакаллимлар Илоҳни ақл ва нақл – иккиси билан истадилар ва улар уч тоифага ажрадилар: бирига ақл ғолиб келди, улар мўътазилалардир; иккинчисига нақл ғолиб келди, улар ҳашавийлардир; учинчисига эса ақл ҳам, нақл ҳам ғолиб келмади, балки ҳар иккисини бир чизиққа жамладилар, улар ашъарийлардир. Бу жамоа ўрта йўлни тутган бўлиб, Шофеъий, Моликий ва Ҳанафийларнинг кўпи, Ҳанбалийларнинг фузалолари ва бошқалардан иборатдир.

Мўътазилаларга келсак, улар учинчи асрнинг бошларида давлатга эга чиқдилар ва баъзи халифалар уларни дастаклади. Сўнг эса улар мағлуб бўлди. Аллоҳ уларнинг ёмонлигига Ўзи кифоя қилди.

Бу икки тоифа – ашъарийя ва мўътазила фирқалари бир-бири билан курашиб келганлар. Улар аҳли Ислом мутакаллимларининг шерларидир. Ашъарийлар адолатлисидир, чунки улар ўз асосларини Китобу Суннат ва соғлом ақл узра бино этганлар. Ҳашавийларга келсак, улар паст, жоҳил кимсалардир. Ўзларини имом Аҳмадга нисбат беришида, аслида имом Аҳмад уларга умуман алоқасиздир, барийдир. У кишига ўзларини мансуб санашларининг сабаби шуки, у киши мўътазилаларни даф қилишда жонбозлик кўрсатган ва офир вазиятларда ҳам собит турган, Аллоҳ у кишидан рози бўлсин. Ҳашавийлар у кишидан айрим сўзларни нақл қилган, аммо бу жоҳиллар у гапларни тушунмаган ва ушбу нотўғри эътиқодга бориб қолишган. Кейин эса кейингилари олдингиларига эргашиб кетаверадиган бўлди, илло Аллоҳ асраганлари мустасно. Ҳозиргача улар тентираб юради, бош йўқ, мунозара қиладиган яроқли одами ҳам йўқ. Улар ҳар замонда бир қўзғалиб қолишади ва айрим давлатларнинг одамларига ялтоқланиб юришади. Аллоҳ уларнинг ёмонлигидан қўрисин. Улар кимни ўзига тортган бўлса, унинг оқибати ёмон бўлди».

(Давоми бор)

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид

06.06.2020 йил